

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИННОВАЦИОН РАҚАМЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Д. М. Каллибеков

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва
тадбиркорлик олий мактаби мустақил тадқиқотчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21837536>

Кириш

Сўнгги асрлардаги инсоният томонидан эришилаётган ҳар қандай соҳадаги ютуқларни технологиялар ва инновацияларсиз тасаввур қилиб имконсиз. Янги технологиялар ва инновацияларга бу қадар кўп эътибор ва уни ривожлантириш йўлидаги жидду-жаҳднинг асосий сабаби бозор иқтисодиёти шароитида барча инсонлар, корхоналар ва мамлакатлар қайсидир соҳада қиёсий устунликка эга бўлиш ҳамда уни сақлаб қолишга интилишидандир. Инновациялар ва рақамли технологиялар барча соҳадаги каби тижорат банклари фаолиятига ҳам ижобий таъсир этади. Ушбу ижобий таъсир натижаси тижорат банкларининг самарадорлиги ошишига олиб келади. Бугунги инновация ва технологияларнинг тараққиёти тижорат банклари фаолиятини масофадан бошқариладиган ва сунъий интеллект асосида ишлайдиган технологияларгача олиб борди.

Рақамли технологиялар замонавий молиявий тизимни тубдан ўзгартириб, тижорат банкларида хизмат кўрсатишнинг янги шакллари юзага келтирди. Рақамли банк хизматлари, бугунги кунга келиб, банklar фаолиятининг ажралмас қисмига айланган.

Рақамли банк хизматлари - бу банк операцияларини интернет, мобил иловалар, блокчейн, сунъий интеллект ва бошқа рақамли технологиялар ёрдамида амалга ошириш тизимидир. Бу хизматлар миқдорларга 24/7 режимда қулай ва тезкор хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Рақамли банк хизматлари ахборот технологиялари ва интернет ривожланишига асосланади. Ушбу назарияга кўра, замонавий маълумотларни қайта ишлаш тизимлари банк операцияларини автоматлаштириш ва оптималлаштириш имконини беради.

Рақамли технологиялар банк соҳасида инновацияларнинг асосий кўриниши ҳисобланади. Инновациялар банк хизматларини соддалаштириш, уларнинг нархини пасайтириш ва хизмат сифатини оширишга йўналтирилган.


Мавзуга оид адабиётлар руйхати

Рақамли хизматлар орқали банklar ўз операцияларини арзонлаштиради, инсон омили таъсирини камайтиради ва юқори даражадаги самарадорликка эришади. Бу назарияга кўра, рақамли технологиялар иқтисодий фаолиятнинг барча босқичларида маҳсулдорликни оширишга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банк технологияси тўғрисида юқоридаги концепция айрим манбаларда илгари мавжуд бўлмаган, яъни бугунги фан-техника тараққиёти даврида бунга асос солинган деб юритилади.

Аммо, тарих ва илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банк технологиялари банк пайдо бўлган илк даврлардан бошлаб содда кўринишда (шаклда) бўлсада мавжуд бўлган. Бунини технологик тараққиёт босқичлари даври ва банklarнинг ривожланиш

даврлари билан уйғунликда қуйидагича ривожланиш иерархиясини изоҳлаш мумкин (1-расм).



Хусусан, А.И.Жуков банк хизматларига қуйидагича таъриф беради: «Тижорат банклари хизматлари - банк фойдасига маълум бир ҳақ олиш эвазига, мижознинг талабига биноан банк операцияларини бажариш».¹

Кўпгина иқтисодий адабиётларда «банк маҳсулоти» термини ишлатилади. Ҳатто, баъзан бу термин «банк хизматлари» термини ўрнида ҳам ишлатилади.

Лекин, банк маҳсулотлари деганда, банкнинг молия бозорида сотиш учун мўлжалланган, ўз номоддий шаклига эга ўзаро боғлиқ, хизматлар ва операциялар мажмуаси тушунилади, яъни банк маҳсулоти банк

операциясининг натижаси сифатида кўрилади, банк хизмати эса банк операцияларини ўтказишда унга йўлдош бўлади.

Замонавий иқтисодий адабиётларда «банк маҳсулоти» атамаси одатда «банк хизмати» тушунчаси билан тенглаштирилади, баъзан, унинг ўрнида ишлатилади. Банк хизмати банк операцияларини оптимал даражада бажаришга қўмаклашади, ишлаб чиқилган ва сотилган банк хизматлари банк операциялари билан биргаликда банк маҳсулотини яратади.

А.Н.Иванов ўз асарида мижозларга банк хизматлари кўрсатилиши хусусиятларини меъёрларга кўра қуйидагича таснифлайди:²

а) Мижозлар эҳтиёжини қаноатлантиришга йўналтирилганлиги бўйича:

-бевосита хизматлар - тўловлар бўйича хизматлар, тижорат хизматлари, инвестицион хизматлар ва бошқалар;

-билвосита хизматлар - клиринг хизматлари, ҳисобрақамларни телефон орқали бошқариш бўйича хизматлар, консультация - маслаҳат хизматлари, депозит ҳисобрақамлар асосида пластик карталар бўйича хизматлар ва бошқалар;

б) Мижозлар гуруҳи бўйича сегментация.

Хулоса ва таклифлар

Банк хизматлари ва маҳсулотлари мураккаблиги даражасидан келиб чиқиб қуйидаги даражаларга ажратилади:

¹ Жуков А.И., Банковская система России. М.: Проспект, 2009. с. 186.

² Иванов А. Банковские услуги: зарубежный и российский опыт. М.: Финансы и статистика, 2002.

- 1- даражали хизматлар - кўплаб мижозлар томонидан талаб қилинувчи маҳсулот ва хизматлар (ҳисобрақам очиш, нақд пулни бошқариш, клиринг хизматлари ва бошқалар);
- 2- даражали хизматлар - банк ходимларининг махсус тайёргарлигини талаб қилувчи хизмат ва маҳсулотлар (активларни бошқариш, инвестицион хизматлар ва бошқалар);
- 3- даражали хизматлар - фойдаланиш соҳасида профессионал билимлар талаб этувчи хизматлар (корпоратив молиялаш соҳасидаги хизматлар, аралаш активларни бошқариш ва бошқалар);
- 4- даражали хизматлар - махсус малакани талаб қилувчи хизматлар (молиявий режалаштириш соҳасидаги хизматлар, молиявий инжиниринг хизматлари ва бошқалар).

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6079-сонли фармони.
3. Лаврушина.О.И Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие. 2016. 12 с.
4. Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Дис. и.ф.н., - Т.: БМА, - 2011. – 28 б.